# ЭНГ МУНОСИБЛАРГА – ВАТАН МУКОФОТЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 август, шанба №124 (956)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки ва қаҳрамона меҳнатлари учун қуйидагиларга «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» унвони берилиб, олий нишон - «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август



**ДЖУМАНИЯЗОВ Бекдурди - Хива тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Хоразм вилояти**



**АБЛАКУЛОВ Хазрат - Ғиждувон тумани С.Айний номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Бухоро вилояти**



**ЖУРАЕВ Юрсинбой - Олтиариқ тумани Б.Отақулов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Фарғона вилояти**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН АДАБИЁТ ВА САНЪАТ УСТАЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетакрор истеъдоди ва қолдирган ўлмас мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ, миллат тараққиётига бағишлаган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, эл-юрт олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

**Ғафур Ғулом** - академик, Ўзбекистон халқ шоири
**Ойбек (Мусо Тошмуҳаммад ўғли)** - академик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Абдулла Қаҳҳор** - Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов** - ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти
**Муҳиддин Қориёқубов** - Ўзбекистон халқ артисти
**Юнус Ражабий** - академик, Ўзбекистон халқ артисти
**Аброр Ҳидоятов** - Ўзбекистон халқ артисти
**Жўрахон Султонов** - Ўзбекистон халқ артисти
**Маъмуржон Узоқов** - ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти
**Комилжон Отаниёзов** - ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти
**Ботир Зокиров** - Ўзбекистон халқ артисти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август

## ТУҲФА

Жиззах вилояти ҳокимлиги ва ижтимоий таъминот бошқармаси ташаббуси билан Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллиги байрами шарафига 55 нафар ногирон болаларга вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев ногиронлар аравачаларини топширди.

Тадбирга вилоят санъаткорлари, қўғирчоқ театри ижодкорлари ўз чиқишлари билан файз киритди.




*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТА, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлаш, санъат ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:***

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»**

**Абдувохидов Абдулхамид** - Наманган вилояти Чуст туманлараро прокурорининг ёрдамчиси

**Вакилов Рискиддин Абдулхакимович** - Қашқадарё вилояти судининг судьяси

**Дадабоев Тулан Турсунович** - Сирдарё вилояти хокимияти адлия бошқармасининг бошлиғи

**Мирсамадов Мирфайзи Миряхъяевич** - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Палванов Султан** - Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Шарафутдинов Алишер Озатович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»**

**Маллабоев Авазбек Ғанижонович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ашула ва рақс ансамблининг бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Махмудов Даврон Муйдинович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Назорат ва ижро интизоми бўйича гуруҳ раҳбари

**(Давоми 2-бетда).**

# ТЎЙГА ТЎЁНА

***Тошлоқ тумани меҳнаткашлари мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрамига муносиб совғалар билан келишди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш билан бандлигини таъминлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, мактаб ва уй-жойлар қуриш каби долзарб вазифаларни амалга оширишдаги ижобий силжишлар шулар жумласидандир.***

Тумандаги нотўқима матолар фабрикаси ўрнида қад ростлаган «ДЭУтекстайлкомпани» қўшма корхонаси фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан корхонада йилига 16,5 минг тонна калава ипи ишлаб чиқарилмоқда. Бу ердаги техника ва жиҳозлар юз фоиз хорижники бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳам тўлалигича Япония, Корея, Германия, Италия, Бразилия, Таиланд каби ўндан ортиқ давлатларга экспорт қилинмоқда.

Энг муҳими, корхона ишга тушгач, 1500 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг асосий қисми Тошлоқ, Ёзёвон туманлари ва Фарғона шаҳар ёшларидан ташкил топган.

Ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Дам олиш хоналари, душхона, ошхона, кутубхона, тиббиёт хонаси улар хизматида. Ишчиларга берилган махсус иш кийимлари, ошхонада овқатланиш ва ишга олиб келиб, уйига элтиб қўядиган автобус хизмати ҳам бепул бўлиб, бу харажатлар корхона ҳисобидан қопланади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, тумандаги фермерлар ўз кучларини бирлаштириб, Франциянинг «Тасис» дастури орқали Голландия технологиясига асосланган пишлоқ ишлаб чиқарувчи замонавий корхонани барпо этдилар. Бундан ташқари туманда тадбиркор Б.Луқмонов нотўқима матолар корхонасини ишга туширди ва бу ерда 65 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Янгийўл ва Конизар қишлоқларида 1800 нафарга яқин ўқувчилар янги қурилган замонавий биноларга кўчиб ўтдилар. Шу билан бирга 15 дан ортиқ мактабларда қўшимча бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги маънавият ва маърифат маркази ташкил қилиниб, «Хотира майдони» барпо этилди.

Туман марказида жуда қисқа муддат ичида замонавий ўйингоҳ қуриб битказилди. Умумхалқ ҳашарига айланиб кетган ушбу қурилишга 40 дан ортиқ корхона ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшди.

Туманда қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, мустақиллик йилларида 556 км табиий газ қувурлари тортилиб, аҳолининг газ билан таъминланиш даражаси 86 фоизга етказилди. 80 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланиб, Турват автоматик газ тақсимлаш станцияси ишга туширилди.

Мустақиллик йилларида 5 минг кв.метрдан ортиқ савдо шоҳобчалари, 2 минг нафардан ортиқ хўрандага мўлжалланган умумий овқатланиш корхоналари, 200 га яқин маиший хизмат нуқталари қурилиб, ишга туширилди. Бу ва шунга ўхшаш тадбирлар ўз навбатида туманда аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш, ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда жуда қўл келмоқда.

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР УЧУН «НИҲОЛ» МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларнинг мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, ижодий уюшмалар ва санъат жамоатчилигининг ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

«Ниҳол» мукофоти якка ва туркум мусиқий асарлар яратиш ва ижро этишда юксак бадиий маҳорат кўрсатган, 30 ёшгача бўлган ижодкорларга ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида тантанали вазиятда топширилади.

2. «Ниҳол» мукофоти совринининг рамзи, Низоми ва мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқувчи Кенгаш таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ниҳол» мукофоти совриндорларига ҳар йили энг кам иш ҳақининг 70 баробари миқдорида 10 та пул мукофоти ажратилишини, совринларни тайёрлаш, матбаа, реклама ва ташкилий ишлар билан боғлиқ тегишли сарф-харажатларнинг қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август

# ЧЎЛ САНДИҒИ ОЧИЛДИ

## Пахтакор тумани қишлоқлари мустақиллик йилларида

Туман марказига етиб борганимизда кун пешиндан оғган эди. Режалаштирилган ишларимизни битиргунча ҳам кеч тушди. Очиғи, анчадан бери бундай ҳолни кўрмаган эдик. Кўчалар чароғон, майдонлар гавжум. Расталар тўкин. Юзлаб чироқлардан ёришган Маданият саройи рўясида ринг кўринди. Билсак, халқ таълими фидойиси

### ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАР

Ҳотам Мирзақулов хотирасига бағишлаб ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа ўтказилаётган экан. Турнирда у ёғи Туркманистон, бу ёғи Қозоғистон, шунингдек, республикамиз вилоятларидан келган ёш боксчилар бешинчи кунки, ғолиблик учун баҳс олиб боришаётган экан. Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам ташкилий жиҳатдан ҳеч қандай камчилик бўлмаганини таъкидлашди.

Рингдаги олишувни томоша қиляпмизу, хаёл унут бўлаёзган баъзи манзараларни кўз олдимизга келтиради. Бундан ўн йилгина муқаддам қишлоқда яшовчи ўсмир уйини ва даласинигина билар эди. Қизиққан машғулоти билан шуғулланишига шароит бўлмаганидан ўзи ҳам лоқайд бўлиб қолганди. Бугун эса чекка бир туманда халқаро мусобақа ўтказиляпти. Деҳқон фарзанди катта спортга йўл оляпти.

Уйинг тинч, рўзғоринг бут бўлса кўнглингга ўйинкулги сиғади, дейишади кексалар. Бу гапнинг исботини ишдан сўнг кўнгилли дам олаётган юзлаб пахтакорликлар мисолида ҳам кўрдик. Эртаси куни қишлоқларни айланиб бунга яна бир бор амин бўлдик. Шу йилнинг етти ойида Пахтачи қишлоғидаги ўттиз олти хонадонда газ ёнди. 6 километр масофага қувур ётқизилди ва Сувон ҳамда Мингчинор қишлоқлари аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Мана, навбатдаги ўқув йилига ҳам яқин қолди. «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида туманда бирмунча ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, мавжуд 18 та умумтаълим мактаби, битта интернат, битта иқтидорли болалар лицейи, тўртта мактаб, тарбия муассасаси сифатли таъмирланди. Ҳомий ташкилотлар бунинг учун жами 30 миллион сўм сарфлашди. Шунингдек, 750 нафар ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ўқувчиларга керакли миқдорда дарсликлар келтирилди.

Сир эмас, ўтиш даврининг дастлабки кезларида иқтисодий қийинчиликлар туфайли кўплаб болалар боғчалари ёпилди. Лекин бу муҳим масала ҳамиша диққат марказида бўлиб қолаверди. Имкониятлар изланди ва топилди. Бир пайтлар фаолиятини тўхтатган Чаманзор қишлоғидаги «Ғунча», Оқбулоқ қишлоғидаги «Зебо» болалар боғчалари яна ишга туширилди ва 140 нафар кичкинтойни ўз бағрига олди. Умуман, эндиликда туман кичкинтойлар тарбия масканларига 1894 нафар жажжи қатнаяпти. Эътиборлиси, улардан 884 нафари кам таъминланган оилалардан бўлгани учун ота-оналари тўлов бадалидан озод этилди. Зарур маблағни эса ҳомий ташкилотлар беришяпти.

Ёрдамга муҳтож инсонга мурувват кўрсатишдан ортиқ савоб йўқ дунёда. Байрам арафасида Меҳр-мурувват уйи фойдаланишга топширилди. Тумандаги ёлғиз кексалар навбати билан дам олиб, даволанадиган 20 ўринли ушбу маскан, улар учун ҳақиқий совға бўлди. Умумий қиймати 11 миллион 240 минг сўмга тенг бу бинонинг қурилишига фермерлар ва тумандаги ташкилотлар ҳомийлик қилдилар. Унда ҳамма нарса муҳайё: хоналарга гиламлар тўшалган, рангли телевизорлар қўйилган. Дам олиш хонасида шахмат-шашка ўйнаб, газета-журналларнинг янги сони билан танишиш мумкин. Рашид Ўтанов, Александра Сизова, Соҳиба Солиева, Каромат Латиповалар тайёрлаётган таомлар тўйимли ва мазали экани, шифокорлар яхши қараша-ётганини хурсандчилик билан таъкидлашди.

Ундан ташқари, 48 нафар уруш қатнашчилари, 5 нафар собиқ «афғон»чилар, 14 нафар Чернобил фожеасини бартараф этишга борганлар, 25 нафар етим бола, ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларга мунтазам ёрдам кўрсатилмоқда. Улардан тез-тез хабар олинади.

**(Давоми 3-бетда).**

## ЖАМҒАРМА ЁРДАМИ

Мустақиллик байрами ва янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан Болалар жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими 50 нафар боқувчисини йўқотган болаларга кийим-бош ва ўқув қуроллари совға қилди.

Ушбу хайрия тадбирини амалга оширишда жамғармага тадбиркор Санжар Файзуллаев, «Бобомурод Вали» фирмаси ва «Иқбол» автокорхонаси ёрдам берди.

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида*

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 2000 йил 30 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида руйхатга олинади.

### Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 28 август куни соат 17.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. 29 август куни Олий Мажлисда:

соат 9.30 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг;

соат 11.00 да - Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг;

соат 12.00 да - «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг;

соат 14.00 да - «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг;

соат 14.30 да - ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

## ҚИЗИЛҚУМ ЙЎЛЛАРИДА

Бундан олти йил муқаддам Учқудуқда ташкил этилган Қизилқум йўлларидан фойдаланиш бошқармасининг жамоаси истиқлол байрамининг 9 йиллигига муносиб совға ҳозирлади. «Учқудуқ-Бузоқбой» автомобиль йўли қуриб фойдаланишга топширилди. 72 чақиримлик бу йўл минтақа иқтисодини янада яхшилашда катта аҳамият касб этади.

Қизилқумлик йўлсозлар республика аҳамиятига молик 420 чақиримлик йўлга хизмат кўрсатади. Шунингдек, улар Учқудуқдаги халқаро аэропорт қурилишида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 150 миллион сўмдан ортиқ қурилиш ишлари амалга оширилди.

# ЭНГ МУНОСИБЛАРГА — ВАТАН МУКОФОТЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТА, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚАЧИ»**

**Сайдарипов Тохир** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»**

**Халматов Батир Зиёмович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

***Мамлакатимизнинг иқтисодиётини юксалтириш, унинг мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлаш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Мухитдинова Халима Қодировна** - Тошкент юридик коллежи директорининг ўринбосари

**Хўжаев Ботир Асадиллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

**1-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Биков Вячеслав Николаевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари жанговар тайёргарлик бошқармасининг комиссия раиси

**Нурматов Сайфулло Очилович** - Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари - тергов бўлими бошлиғи

**Худайбергенов Турсинхон Айдарович** - Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**2-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Авазжонов Фарҳод Спартакович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари - штаб бошлиғи

**Алиев Александр Евгеньевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Эркин Эргашевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Бухоро чегара ҳудуди - бўлинма офицери

**Ахунов Сраджиддин Таджиддинович** - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Аширов Шермухаммад Эргашалиевич (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт қисмининг штурман-учувчиси

**Бараненков Дмитрий Николаевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт эскадрильяси командири

**Биков Николай Юрьевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дониёров Зиёвитдин Хуснитдинович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавсизлик хизмати ходими

**Жалилов Маҳмуджон Мўминович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси гуруҳининг командири

**Исабаев Ержан Таирович** - Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Патрул-пост хизмати сардори

**Кадиров Гайрат Таирович** - Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари - коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлиғи

**Курносов Борис Павлович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсиздик хизмати ходими

**Мирпаязов Миржалол Хамидуллаевич** - Тошкент вилояти Божхона бошқармаси Ғиштқўприк божхона назоратини ўтказиш комплекси инспектори

**Муллажонов Тохир Охунович** - Жиззах вилояти Ички ишлар Бошқармаси бошлиғи

**Муфазалов Рафик Рауфович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари радиотехник қисми командири

**Назаров Алишер Руштибекович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Жиззах чегара ҳудуди бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари

**Насиров Садирхон Ҳалходжаевич** - Самарқанд вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи

**Омонов Фарходжон Зомонович** - Жанубий-Ғарбий ҳарбий округ прокурори

**Пиржанов Баходир Нуржанович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Сўх чегара ҳудуди бўлинмаси бошлиғи

**Полотбаев Алижон Аҳмаджонович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Термиз чегара ҳудуди бўлинмаси бошлиғи

**Пягай Илья Васильевич** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бош бошқармасига қарашли бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Ражабов Гафуржон Зоирович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедрасининг ўқитувчиси

**Рахманов Джакбар** - Наманган вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошқарма бошлиғи

**Рахмонов Тўлқин Ахмаджонович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи

**Садинов Сайёр Саидович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг гуруҳ командири

**Салимов Алишер Латторович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси гуруҳ командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари

**Сапарбеков Кудияр Кудратович** - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги алоқа узели бошлиғи - бошқарув пункти бошлиғи

**Смирнов Юрий Николаевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг гуруҳ командири

**Телембаев Акрам Марсович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Утаганов Махмуджон Инаятович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари - чегара қўшинлари Бош штаби бошлиғи

**Файзиев Хабибулла** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Халимов Хакимбой Аширович** - Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори

**Хамраев Абдували Басович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг гуруҳ командири

**Хошимов Баходир Дададжонович (марҳум)** - Андижон вилояти ички ишлар Бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлимининг бошлиғи

**Шамсиев Умматали Хакимович** - Андижон вилояти прокурори

**Шилманов Джанабай Палимович** - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири

**Эгамбердиев Шарифжон Каримович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғи

**Эрназаров Юсуф Қодирович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавсизлик хизмати ходими

**Ғаниев Бобир Абдулҳамидович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси гуруҳ командирининг ўринбосари

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Кадиров Раджаб Кадирович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари

**Тримайлов Игорь Евгеньевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Матчанова Салима Авлиякуловна** - Навоий вилояти Учқудуқ шаҳар судининг раиси

**Махмудов Марат Мирсаидович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот маркази бошлиғи

***Республикада миллий хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган жасурлиги ва мардлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН:**

**Абдиев Хайдар Норқазақович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинма отряд командири

**Абдуллаев Фарход Шоазимович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм пулемётчиси

**Абдуқодиров Махамадсодиқ Эксанжанович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсантлар бўлинмаси командири

**Абдураззоқов Ўткир Иззатуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво-десант қисмининг парашют десант бўлинмасининг гуруҳ командири

**Абдурасулов Абдураим Раззоқович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахимов Таълимбой Жалилович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Ойбек» божхона бўлинмаси кичик инспектор кинологи

**Алиев Сарвар Усманович** - Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Барноев Улуғбек Абдуллаевич (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси гуруҳининг мутахассиси

**Бекбудов Эркин Ниёзович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ҳарбий бўлинмаси снайпери

**Бердиев Қобил Раимович** - Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Бош штаби бошқарма бошлиғи

**Битаев Жумадилла Тулевбердиевич** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг патрул-пост хизмати милиционер-ҳайдовчиси

**Бобоқулов Рустам Худоймуродович** - Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Бобошарипов Шарофиддин Рахимович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинларининг «Жануб» минтақавий штаби отряд командирининг ёрдамчиси

**Бовкун Лев Сергеевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штабининг гуруҳ командири

**Бокоев Бобир Бофоевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Қўқон чегара ҳудуди тезкор бўлинма командирининг ўринбосари

**Ветлугин Геннадий Юрьевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари авиация техник лабораторияси бошлиғи

**Дадабоев Йўлдош Рахмоналиевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинларининг «Жануб» минтақавий штаби бўлинмасининг мутахассиси

**Жакбаров Давлатбек Мирзаевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Шарқ» минтақавий штаби бошлиғининг ўринбосари - бўлим бошлиғи

**Зайдинов Зарифжон Нематович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Қўқон чегара ҳудудининг бўлинма командири

**Зайцев Илья Владимирович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жанубий-ғарбий ҳарбий округи штаби бўлимининг катта офицери

**Зохидов Шухрат Уткирович** - Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлинма командири

**Икрамов Шухрат Солиевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Илалов Рустам Илгизович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Калдибеков Норбек Баратович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинларининг «Жануб» минтақавий штаби гуруҳининг командири

**Каримов Шавкат Шиpинович** - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бўлинма милиционери

**Мадолимов Қаҳрамонжон Нишонбоевич (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг тиббиёт фельдшери

**Мамажонов Вахобжон Абдухалилович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жанубий-ғарбий ҳарбий округининг инженер-сапёр қисмининг командири

**Маткаримов Улуғбек Йўлдошевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Матқобилов Рафиқжон** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита бошқармасининг бошлиғи

**Машковцев Сергей Анатольевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт қисми командирининг ўринбосари

**Мейлиев Зокир Хуррамович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлинма командири

**Музаффаров Зокир Чориевич** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё вилояти Ички ишлар Бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармасининг ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бўлими радиоалоқачиси

**Муродов Абдулла Абдураҳимович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг мутахассиси

**Назаров Баходур Бобомуротович** - Бухоро вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи

**Назаров Исмоил Ибрагимович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт қисми командирининг ўринбосари

**Норқулов Равшан** - Қашқадарё вилояти Ички ишлар Бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бўлим бошлиғи

**Нормухамедов Агзамхон Султанхонович** - Давлат божхона Қўмитасининг Миллий кинология марказининг инспектор-кинологи

**Ортиқов Муротжон Акрамович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг катта мутахассиси

**Ортиқов Шавкат Ёдгорович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Отожонов Эламон Холмуратович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг миномёт секцияси командири

**Охунов Юнусжон Носирович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг мутахассиси

**Пайгамов Азизхон Алиевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Қўқон чегара ҳудуди бошлиғининг ўринбосари

**Патрушев Анатолий Валерьевич** - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Махсус авиация ишлари авиабўлинмасининг «Ми-8» вертолёти сардори

**Пўлатов Низомиддин Умурзоқович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлар бўлинмаси командири

**Раджабов Маруф Ахмадович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси катта мутахассиси

**Рахматов Журабой Юлдашевич** - Ўзбекистон Республикаси Ички ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бош бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари

**Раҳмонов Рустам Каримович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси командирининг ўринбосари

**Рахмонкулов Кодир Каримович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сабитов Сабир Шакирович** - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Махсус авиация ишлари авиабўлинмасининг «Ми-8» вертолёти учувчиси

**Савриев Фахриддии Фазлиддинович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бош бошқармаси бўлинма командирининг ўринбосари

**Садритдинов Дилмурад Ахматович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командирининг ўринбосари - штаб бошлиғи

**Саидов Алишер Нарзуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон командирининг ўринбосари

**Сайдуллаев Фуркат Остонович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг мутахассиси

**Саломов Фахруддин Бахриддинович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинларининг «Жануб» минтақавий штабининг бўлинма командири

**Саминов Эркин Хасанович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Қўқон чегара ҳудуди Қамчиқ чегара бўлинмасининг командири

**Сатторов Яхё Хошимович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Собиров Шухратбек Саткинбаевич (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Бўстонлиқ чегара ҳудуди бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари

**Ташкулов Абдухалим Жумабаевич (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси милиционери

**Тожибоев Дониёрбек Абдумуталипович (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг мутахассиси

**Умирдинов Абдумалик Ҳамдамович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округи ўзиюрар артиллерия дивизиони командири

**Усмонбеков Султон Анварович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси «Тошкент» алоҳида чегара назорати бўлинмасининг командири

**Халилов Абдурахим Халилович** - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳар ички ишлар Бошқармаси патрул-пост хизмати бўлинма командирининг ўринбосари

**Хамракулов Мурожиддин Патхиддинович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита чегара қўшинлари «Шарқ» минтақавий штабининг бўлинма командири - катта инструктор

**Харламов Сергей Александрович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт звеноси командири

**Хикматуллаев Шухратулла Юсупович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги фронт орти бошқармаси ёнилғи ва мойловчи воситалар хизматининг бошлиғи

**Хожихўжаев Юнус Юсуфжонович** - Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлинмасининг милиционер-снайпери

**Холдоров Боходиржон Солиевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Шарқ» минтақавий штаби бўлинма командирининг ўринбосари

**Холмуродов Оқилжон Ўктамович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм кинологи

**Худояров Рустам Шодиевич** - Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари бошқарма бошлиғи

**Худойбердиев Маъруфжон Яхшибаевич** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисмининг бўлинма назоратчиси

**Хўжаев Искандар Анварович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мото-ўқчи қисмининг взвод командири

**Хусанов Ғулом Чориевич (марҳум)** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм бўлинма командири

**Шодмонов Нодир Ғуломович** - «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексининг Миллий кинология маркази билан ҳамкорликдаги тезкор гуруҳ кичик инспектор-кинологи

**Юлдашев Анвар Хурсанович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисмининг гуруҳ командири

**Юнусов Ахрор Анварович** - Тошкент вилояти божхона бошқармаси Ғиштқўприк божхона назоратини ўтказиш комплекси кичик инспектор - кинологи

**Яхяев Собиржон Содиқжонович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божхона бошқармаси «Зафар» божхона бўлинмасининг кичик инспектор-кинологи

**Қамбаров Баҳодиржон Эргашевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг алоқачи мутахассиси

**Қаюмов Амангелди Курбаналиевич (марҳум)** - Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмасининг тезкор вакили

**Қаюмов Нурилла Забихуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қодиров Улуғбек Қодирович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қузибаев Жахангир Абдужалилович (марҳум)** - Жиззах вилояти Жиззах шаҳар ички ишлар бошқармаси профилактика хизмати бўлинмаси вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси инспектори

**Циканов Владимир Николаевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Охангарон чегара ҳудуди бўлинма бошлиғи

***Республикамизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда Ватанимизнинг мудофаа қудратини юксалтиришдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН:**

**Абдурасулова Анифа Абсаттаровна** - Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси солиқ ва тўловларнинг бюджетга тушишини назорат ва таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи

**Аксанян Александра Сократовна** - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот-таҳлил Бош бошқармаси солиқлар ва бошқа тўловларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш бўлими давлат солиқ бош инспектори

**Ахмедов Абдухалим Абдураимович** - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғи

**Бозоров Малла Абдусаттарович** - Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» темирйўл бекатидаги божхона пости катта инспектори

**Долгова Людмила Павловна** - Республика прокуратурасининг бўлим мутахассиси

**Исроилов Исматулло Жозилович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош бошқармаси қўшма корхоналарни солиққа тортиш бўлим давлат солиқ бош инспектори

**Исроилов Суннатилло Юлдашевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мото-ўқчи қисмининг взвод старшинаси

**Ишанханова Гулнора Амановна** - Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати раисининг ўринбосари

**Каримов Даврон Махмудович** - Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бошқармасининг қўшимча давлат даромадларини назорат қилиш бўлими бошлиғи

**Каюмова Джурахон Жалаловна** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув Бош бошқармасининг катта тезкор вакили

**Маматқулов Абдулатиф Абдумуталович** - Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси ҳисобга олиш, таҳлил ва солиқ статистикаси бўлими бошлиғи

**Мирзаев Наврузбек Мукумжонович** - Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ангрен автомобил мактаби бошлиғи

**Охрименко Елена Анатольевна** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси валюта назорати бошқармаси бош инспектори

**Примкулова Светлана Александровна** - Тошкент вилояти хўжалик судининг судьяси

**Рахматуллаев Ахмадали Турсуналиевич** - Тошкент вилояти Янгийул туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Саъдуллаев Шаркин Нуруллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Самарқанд вилояти божхона бошқармаси бўлимининг бошлиғи

**Сержанов Маратбек Ходжабекович** - Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси юридик шахслар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунлар бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи

**Таникулов Собир Мирзаевич** - Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси

**Тыныбекова Гульсара Ктайбековна** - Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси давлат солиқ бош инспектори

**Халиков Рўзиқул Иргашевич** - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи

**Хошимова Муҳтабар Рахматовна** - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Шерикулова Тожихон** - Фарғона вилояти прокурорининг ташкилий назорат ва таҳлилот бўйича катта ёрдамчиси

**Шилманов Ахмет Еримбетович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Қорақалпоқ чегара ҳудуди автобронетехника хизмати бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август

# ЧЎЛ САНДИҒИ ОЧИЛДИ

## Пахтакор тумани қишлоқлари мустақиллик йилларида

(Боши 1-бетда.)

— Мустақиллик байрами шарафига ёзиладиган дастурхонга ҳаммаларини таклиф этамиз, - дейди туман ҳокимининг ўринбосари И.Отабоев. - Уларнинг дилларини хушнуд этиш учун хайрия тадбирларига 1 миллион сўм сарфлаш мўлжалланмоқда. Ҳомийлар, саховатли инсонлар ҳам четда туришмайди, албатта.

Инсон учун энг катта бойлик — инсон саломатлиги. Тан-жони соғ одамнинггина вужудида ғайрат-шижоат бўлади, кўпнинг корига ярайди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қила бориб белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. 280 ўринли марказий касалхона, кунига 300 нафар кишини қабул қила оладиган поликлиника ва болалар поликлиникаси эл хизматида. Яқинда «Тез ёрдам» маркази очилди. У замонавий алоқа воситаси ва 5 та янги машина билан таъминланди. Қишлоқлардаги амбулаториялар врачлик пунктларига айлантириляпти. Қарийб ҳаммасида замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилди.

### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Қадимдан бир одат бор. Савдогарми, сайёҳми, зиёратчими ўзга юртга қадам ранжида қилса, дастлаб бозор айланади. Шунга қараб ўша ерлик халқ салоҳияти ва яшаш тарзи ҳақида хулоса чиқаради. Шу боис, бозор — юрт кўзгуси, деб бежиз айтишмайди.

Мавзуни бекорга бозорга бурмадик. Ҳозир юртимизнинг қайси шаҳар ёинки қишлоғидаги бозорга борманг, маҳсулот ва турли буюмлар, анжомлар хилма-хиллигини кўрасиз. Бозорнинг молга тўкинлиги — арзончилик белгиси. Бу юрт ишбилармонлари, бойларининг тадбиркорлиги самарасидир.

Ислоҳотлар шарофати билан қишлоқда ҳам кўплаб ишчи ўринлари яратиляпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салмоқли улуши эса нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

— Айни пайтда 168 та жисмоний ва 104 та юридик шахс туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоси ҳисобланади, - дейди палата раиси Исматилла ака Сайфиев. - Амалдаги йилнинг ўтган етти ойи мобайнида палата қошида ташкил этилган ахборот-маслаҳат маркази билан биргаликда тадбиркорларга бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, таъсис ҳужжатларини тайёрлашда кўмаклашиш, дебитор қарзларни ундириб бериш каби 546,6 минг сўмлик ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа консалтинг хизматлар кўрсатилди.

Кредит олиш мақсадида палатаға яқинда мурожаат этган етти тадбиркордан шу кунгача 5 тасига 23 миллион сўмлик ўрта ва узоқ муддатли кредит берилди. Ушбу маблағ чорвачиликни ривожлантириш, миллий қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланади. 2000 йилнинг бошидан буён эса 31 та юридик, 6 та жисмоний шахс туман банкларидан 120518 минг сўмлик кредит олишди.

У ерда керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, ишини битириб кетаётган тадбиркор, «Келажак» хусусий фирмасининг раҳбари Холмурод Мамадалиев шундай деди:

— Аввало тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида яратилган ҳуқуқий, иқтисодий имконият ва имтиёзлар учун Йўлбошчимиздан жуда миннатдорман. Ишимни юритиш ниятида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 5 миллион сўмлик кредит олдим. Уни новвот, парварда, қандолат маҳсулотлари ва «Барбарис» конфети ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга сарфлайман.

Муҳими, тадбиркор анча эркин нафас оладиган бўлиб қолди. Маълумки, илгари турли идоралардан текширувчилар келаверар, бўлар-бўлмасга тадбиркор фаолиятига аралашар, ишга тўсқинлик қилар эди. «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» тадбиркорга етказилгач, безовта қилувчилар сони кескин камайди. Шу билан бирга мулкдорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш тадбирлари ҳам амалга ошириляпти. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун амалда ишлай бошлади.

Бир сўз билан айтганда, бу ёғи тадбиркорнинг ишбилармонлигига, имконият ва имтиёзлардан қандай фойдаланишига боғлиқ.

### ЎЗИНИ ҲАМ, ЭЛНИ ҲАМ БОЙИТАЁТГАНЛАР

Пахтакор туман ғаллакорлари давлат буюртмасини 125 фоизга ўринлатишди. Эл хирмонига 30 минг тонна дон тўкилди. Қайси омиллар ҳисобига бу қадар мўл ҳосил олинди? Жавоб эса биз кутгандек бўлди: мулкка муносабатнинг ўзгаргани, хўжалик юритишнинг янги усулларидан оқилона фойдаланганлик оқибатида шунга эришилди.

Туманда айни пайтда 388 та фермер фаолият кўрсатяпти. Жорий йилнинг етти ойида 127 фермер хўжалиги ташкил этилди. Йиғиштириб олинган жами ғалланинг 35 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Тадбиркорлар олган ўртача ҳосилдорлик хўжаликларникидан сезиларли даражада юқори бўлди. Масалан, «Сарт юзи» фермер хўжалиги гектаридан 62,5 центнер, «Улуғбек» 62, «Файзимуродбобо» 57, «Саттор ота» фермер хўжалиги деҳқонлари 50 центнердан дон йиғиштирдилар.

Шу ўринда бир фермер фаолиятига кенгроқ тўхталсак. «Анвар-А» фермер хўжалигига олий маълумотли иқтисодчи Анорбой Эшматов раҳбар. Фермер тасарруфида 75 гектар ер бор. Унда 18 нафар одам меҳнат қилади. Унинг 35 гектарида ғалла, 35 гектарида пахта, 5 гектарида сабзавот ва бошқа экинлар етиштирилди. Давлатга ғалла сотиш шартнома режаси 134 фоизга бажарилди. 60 тоннадан ортиқ дон фермер хўжалиги аъзоларига тарқатилди.

Бу нимадан далолат? Замин ҳақиқий эгаси, яъни жонкуяри қўлига ўтса, унинг ишлашига шароит яратилса чўлдан ҳам хўп ва кўп ҳосил олиш мумкин экан. Мулк эгаси ерни алдамайди, ўғитни номига, ҳисобот учун солмайди, экин парваришини астойдил олиб боради. Негаки бари харажат ёнидан кетади. Сарфлаган бир сўми икки сўм бўлиб қайтишини истайди у. Яна бир неча оиланинг қозони ҳам унинг даромадидан қайнайди.

«Анвар-А» фермер хўжалигининг пахтадан ҳам чамаси дуруст. Экинлар керакли миқдорда озиқлантирилди, қондириб суғорилди. Ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача 16-18 тадан бўлиқ кўсак бор. Ҳадемай, йиғим-терим бошланади.

Фермер хўжалигининг дала шийпонини кўрган кишининг ҳаваси келади. Маромида таъмирланган, ҳеч нимадан камчилик йўқ. Қани энди ҳамма жойда шундай бўлса, дейсиз беихтиёр. Ушбу хўжалик 1999 йилни 1 миллион 792 минг сўм соф фойда билан якунлаган эди. Насиб этса бу йилги даромад ундан-да кўп бўлади.

***ЯКУН ЎРНИДА. Қайтишимизда стадионни, яқиндагина томи янгиланган, 500 минг сўмлик янги адабиётлар билан бойитилган марказий кутубхонани кўрдик. Амин бўлдикки, пахтакорликлар яхши ишлаб, яхши яшашлари учун шароитлар етарли ва энг муҳими, кун-сайин янада яхшиланиб бормоқда. Кечқурун бу жойлар ўзгача тус олиб, ўйин-кулги, хурсандчилик авжига чиқади.***

***Мана, Мустақиллик бизга нималар берди ва бермоқда! Шу улуғ неъматни қадрлай, асрай олиш, мустақил давлатимиз равнақига ҳисса қўшиш ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг муқаддас ва шарафли фарзандлик бурчимиздир. Чунки Йўлбошчимиз айтганларидек, шу азиз Ватан барчамизники!***

**Зайниддин РИХСИЕВ,**
**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**




# РАҲМАТ АКАНИНГ «ГАВҲАР»И

Азалдан янгиликка, эркин фаолиятга ўч бўлган Раҳмат ака Аҳмедов мустақиллик йилларида елкасига офтоб текканини чиндан ҳис қилди. Ташкилотчи, ташаббускор қурувчи-муҳандис тезда атрофига ҳамфикр кишиларни тўплаб, ишга киришди. Дастлаб «Жемчужина» ширкатини тузган Р.Аҳмедов Президентимизнинг қишлоқларни газлаштириш ва сув таъминотини яхшилашга оид фармонларини бажаришга ҳисса қўшди. Ўз ҳисобидан темир қувурлар топиб келиб, Ургут туманининг «Янгиариқ», «Самарқанд», Ҳ.Мўминов номли хўжаликларининг ўнлаб қишлоқларидаги хонадонларга газ улаб берди.

Олинаётган фойда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди. Бетон блок, темирчилик, пайвандчилик цехлари ишга туширилди. Оҳак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1996 йилда эса Самарқанд «Бизнес-фонд»инининг молиявий ёрдами билан кичик ғишт заводини қурди. Айни кунларда ойига 50-60 минг дона сифатли, пишиқ ғишт ишлаб чиқарилиб, мижозларга етказиб берилмоқда.

Яқинда мазкур хусусий корхонанинг тармоғи янада кенгайди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатила бошланди. Халқ ҳунармандчилигини қайта тиклаш борасидаги ҳаракатлар ҳам диққатга сазовордир. Дастлаб 4-5 киши иш бошлаган корхонада ҳозир 40 дан зиёд одам ишлайди.

— Ўтган йили 1,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, - дейди хусусий корхона раҳбари. — Бу йил натижалар янада юқори бўлади. Олинадиган фойданинг асосий қисмини янги техника сотиб олишга сарфламоқдамиз. Чунки замонавий технологиясиз ривожланишни тасаввур этиб бўлмайди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**





Истиқлол дастурхонимиз тўкин, ризқимиз бутун бўлишига имкон берди. Буни Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги меҳнат фахрийлари ҳам эътироф этишмоқда. Зотан, ноз-неъматлар мўллиги — ўз ерига хўжайинлик ҳиссининг тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўнгдаги суратда эса каттақўрғонлик Гулсара момо неваралари қуршовида.

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

# БАЙРАМ ҲАДЯСИ

Меҳр-мурувват кўрсатиш буюк аждодларимиз мероси. Азалдан ҳар бир байрам аввало кўнгли кемтиклар, ёрдамга муҳтожларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатиш билан бошланган. Мамлакат мустақиллиги куни халқимизнинг энг эъзозли байрамларидан бирига айланди. Дилига меҳру-саховатни жо айлаган ҳар бир киши савобли ишдан четда қолмасликка интилади. Сирдарёда ҳам шундай.

Вилоятда 17465 нафар ёрдамга муҳтож кишилар, ёлғиз қариялар, қаровчисини йўқотган кишилар бор. Байрам куни энг аввало ана шу хонадонлардан хабар олинади. Ёрдамга муҳтож кишиларга 46 миллион 125 минг сўмлик моддий мадад кўрсатилади. 17 миллион 386 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 8 миллион 825 минг сўмлик кийим-кечак етказиб берилади.

— Республикамиз ҳукумати биздек кишиларга меҳр-мурувватини аямасдан келаяпти,— дейди биринчи гуруҳ ногирони А.Ҳайдаров. — Таъминотимизда сира узилиш бўлгани йўқ. Кўрсатилаётган меҳрибонликдан ёлғиз эмаслигимизни доимо ҳис этиб турамиз.

Қариялар, беморлар ва ногиронларга саломатликларини мустаҳкамлашлари учун республикамиздаги турли сиҳатгоҳларга 53 та йўлланма, 10 та ногиронлар аравачаси туҳфа этилади.

— Ҳар байрамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат ва никоҳ тўйларини ўтказиш анъанага айланиб қолди,— дейди Миробод туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Қаршибой Ўтаганов. — Истиқлолимизнинг 9 йиллик тантанаси ҳам ана шундай тўйларга уланиб кетади.

Инсон қадр-қиммати сарбаланд тутилган юртда меҳр-оқибат ўлмайди. Зотан,истиқлолимиз халқимиз қалбига сурур, ифтихор бахш этмоқда.

**Н.ШАМСИЕВ.**

*Фазилат*

# ЮРАК ЁНМОҒИ КЕРАК

Абдусаттор ака Рашидов мана, саккиз йилдирки, «Ёқуббек» хусусий корхонасининг раҳбари.

Дастлабки пайтда корхона қолоқ ва ташландиқ аҳволда эди. Аста-секин молиявий аҳвол яхшиланди, техника сотиб олинди. Замонавий идора, қурилиш материаллари учун омборхона, ёғочсозлик цехи ва бошқа қўшимча бинолар корхонанинг ўз маблағи ҳисобидан қуриб битказилди.

Жуда қисқа муддатда бир эмас, икки ғишт цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ёрдамчи чорва хўжалигини ташкил этиш мақсадида 2-цехнинг очиқ майдонига 100 бош чорвага мўлжалланган молхона қурилди.

«Даромадга қараб буромад», дейди доно халқимиз. Бир пайтлар ўзи ночор аҳволда бўлган корхона бугун бироз қийин аҳволда қолган оилаларга, якка-ёлғиз яшовчи қариялар ва ногиронларга беминнат ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, М.Юсупова, Ф.Шокирова, Ф.Файзихонов каби ёлғизларга 4 хонали уй-жойлар қуриб берилди. Корхона раҳбари ташаббуси билан мактаб-интернатнинг йигирмадан ортиқ етим ва кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

Пискент шаҳрида қад ростлаган «Саодат уйи» ёшларга муносиб туҳфа бўлди. Никоҳ маросимларини ўтказишга мўлжалланган икки қаватли, 300 кишини ўз бағрига олган бу кошона қурилишига корхона 200 миллион сўм маблағ сарфлади. «Саодат уйи» билан баббаравар иш бошлаган шаҳар деҳқон бозори қурилишида ҳам корхона жамоаси иштирок этди. Бозор кўркига кўрк қўшган бу бинода 100 ўринли қариялар чойхонаси, тиш даволаш шифохонаси жойлашган. Қурилишга 25 миллион сўм маблағ сарфланди.

Келгусида ночор оилаларга берилиши режалаштирилган «Фурқат» даҳасида 8 та, «Бирлик» даҳасида 7 та саккиз сотих томорқаси билан саккиз хонадан иборат янги уйлар қурилмоқда. Югославиядан келтирилган лойиҳа асосида қурилаётган икки қаватли бино келгуси йилда фойдаланишга топширилади. Шунингдек, корхона ҳисобидан пискентликлар учун дам олиш маскани қуриб берилди. Ярим гектарли ерда мевали боғ барпо қилинди.

Амалий ёрдам ва меҳрсаҳоват кўрсатиш корхона жамоасининг ҳам, унинг талабчан раҳбарининг ҳам кундалик ишига айланиб қолган. Аҳоли зич жойлашган масканларда табиий газ ва тоза ичимлик суви муаммоларининг ижобий ҳал этилгани, 30 километрли масофадаги йўлларга янги асфальт ётқизилгани бунинг ёрқин далилидир.

Бундан ташқари корхона 4-ўрта мактабни ўз оталиғига олган. Мактабнинг аълочи ўқувчиларига корхона ҳисобидан стипендиялар ажратилган. Бу ҳол, ўз навбатида мактабда таълим ва тарбия ишларининг савиясини оширишга хизмат қилмоқда. Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан куюнчак раҳбар А.Рашидовга берилган «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони унинг мактабларга ва мактабгача тарбия муассасаларига кўрсатган меҳру саховатига билдирилган эҳтиромдир.

Корхона яна бир хайрли ишга қўл урди. «Соғлом авлод учун» марказининг таянч пунктига икки қаватли муҳташам мактабни ҳадя этди.

Жамоанинг келгуси режалари эса янада умидбахшдир. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кўплаб замонавий бинолар бунёд этиш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган завод қуриш, чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очиш шулар жумласидандир.

**Ш.АБДУЛЛАЕВ.**

*Касабақўм муросасоз бўлган жойда*

# «ЎЗ АРИЗАСИГА КЎРА»

## ИШДАН БЎШАТИШДИ

***Баъзан шундай раҳбарлар учрайди. Мабодо бирон ишчи ёки ходимни кўнгли хушламай қолса уни ишдан четлатиш учун турли йўллар излаб қолади. Бошлиқнинг дўқ-пўписаси ёки ҳийласидан боши гаранг ходим беихтиёр ариза ёзишга мажбур бўлади. Устомон раҳбар эса дарҳол аризачининг «патта»сини қўлига тутқазади. Энди бу «номақбул» ходим қаерга арз-дод қилсин? Чунки, ишдан ўз хоҳиши билан бўшаши ҳақидаги аризани ёзиб қўйган. Лекин қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Раҳбарнинг ғаразли нияти ёки ходимнинг ҳуқуқий саводсизлиги туфайли қилинган бу хато, охир-оқибатда ҳар икки томон учун ҳам қимматга тушади.***

Фарғона шаҳар Саидбекова кўчаси 96-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Абдулазиз Аҳмедов ҳам юқоридаги ҳолатга тушиб қолди ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспекциясига шикоят ёзди. Шикоят матни қуйидагича:

«Мен шаҳардаги 2-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси(А/О РСУ-2)да 1998 йил август ойидан меҳнат қилиб келаман. Менга бириктирилган ЗИЛ-133 русумли автокран машинасига ўз ҳамёнимдан сарфлаб 3 дона шина, 2 дона аккумулятор сотиб олиб қўйдим. Орадан вақт ўтиб, 1999 йил декабр ойида механик Бойназаров Ғ. ҳеч бир сабабсиз мени ҳамкасбларим олдида ариза ёзиб ишдан кетишим кераклигини айтди. Мен унга жавоб қилмай хонадан чиқиб кетдим. 3 январда бу ҳол яна такрорланди. Ғ.Бойназаров «Сенга машина йўқ, аризангни ёз!» деб дўқ урди. Хуллас, мен нима қиларимни билмай, истамаган ҳолда «ўз хоҳишимга» кўра ишдан бўшатишларини сўраб ёзилган аризага қўл қўйиб бердим. 5 январ куни бошлиқ номига ушбу аризамни бекор қилиб, ишга қайтаришини сўраб қайта ариза ёздим. Лекин бу мурожаатим инобатга олинмади».

А.Аҳмедовнинг ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси унинг ўз дастхати эмаслиги кишини ҳайрон қолдиради. Демак, унга ишнинг тезроқ битишидан манфаатдор бўлган кимдир «ёрдамлашган» кўринади.

Меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бўлим бошлиғи Т.Мирраҳимов мазкур иш билан танишар экан, маъмурият томонидан аризачи А.Аҳмедовни ишдан бўшатишда Меҳнат Кодексининг 99-моддаси талабларига амал қилинмаганлигини аниқлайди. Шу асосда жорий йилнинг 25 январ куни маъмурият номига А.Аҳмедовни ўз ишига қайта тиклаш ва унинг бўш юрган даври учун ўртача иш ҳақи берилиши тўғрисида кўрсатма йўллайди. Айнан шу куни А.Аҳмедов ҳам бошлиқ номига қуйидаги мазмунда талабнома ёзади:

«Мени ишдан бўшатганингиз сабабли автомашинага сарфланган тубандаги харажатларимни қайтариб беришингизни сўрайман: жумладан, автокранни таъмирлаш учун ёлланган ишчиларга, ёғмой материаллари ва эҳтиёт қисмларига сарфланган 30000 сўм, сотиб олинган иккита аккумулятор (ҳар бири 25000 сўм), 3 дона автошина (ҳар бири 28000 сўм), ўз иш ҳақим ҳисобидан автомашинани созлаш учун сарфланган 16800 сўм, жами 180800 сўм...»

Ушбу талабнома қандай ҳал этилганлиги бизга номаълум. Лекин ҳуқуқ инспекциясининг кўрсатмасигача шу йил иккинчи февралда 2-таъмирлаш қурилиш бошқармаси ҳиссадорлик жамияти раҳбари С.Данилов имзоси билан қуйидагича жавоб келади: «фуқаро Аҳмедовга Фарғона шаҳар РСУ-2 А/Жда бетончи вазифасига ишга қабул қилишимизни таклиф қилдик. А.Аҳмедовнинг илгари ишлаб келган касби ҳозирда мавжуд эмаслиги сабабли уни аввалги ишига тиклашнинг иложи йўқ. Лекин А.Аҳмедов бетончи вазифасида ишлашни рад этди.» Имзо.

Бу жавоб хати кишини ҳайрон қолдиради. Хўш, А.Аҳмедов тасарруфида бўлган автокран ҳозир қаерда? Агар корхона ихтиёрида турган бўлса уни ким бошқаряпти? Нега қайтариб олишнинг иложи йўқ?

Ариза муаллифини ишдан четлаштиришда бош сабабчи бўлган механик Ғ.Бойназаров ўз тушунтириш хатида А.Аҳмедов ҳеч қандай эҳтиёт қисм сотиб олмаган деб ёзган.

Шундай қилиб меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг қайта аралашувидан сўнг А.Аҳмедовни ишга тиклаш тўғрисида 8 феврал куни бошқарма маъмуриятининг 19-сонли буйруғи чиқади. Мазкур буйруқда дастлабки 1-сон буйруқ бекор қилинганлиги, А.Аҳмедовни 6-разрядли автокранчи вазифасига тикланганлиги ва унинг бўш юрган даври учун (3 январдан 8 февралгача) ўртача иш ҳақи тўланиши кўрсатилади. Афсуски, буйруқнинг 2-бўлимида А.Аҳмедовни аввал ўзи бошқарган автокранга эмас, балки ҳайдовчи А.Умаровга дахлдор КС-3575 русумли давлат рақами 15АА227 бўлган бошқа автокранда шериклик асосида ишлаши қайд этилади.

Адолат маълум маънода қарор топди. Аммо бир фуқарога етказилган маънавий жароҳат ўрни битгани йўқ. Юқорида таъкидлаганимиздек раҳбарнинг билиб-билмай «янглишиши» оқибатида айбсиз автокранчига шунча ҳақ тўланди. Бу эса умумжамоа гарданига тушди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, мазкур ишхонада иш юритиш ҳамон ўзга тилда олиб борилаяпти. Бу ушбу жамоада давлат тили тўғрисидаги қонунга ҳанузгача жиддий эътибор берилмаётганидан далолат эмасми?

Юқоридаги ажабтовур ҳангомалардан касабақўмнинг хабари йўқмиди? Унда нега у томошабин бўлиб туришни афзал кўрди? Ахир, касаба уюшмалари учун ишловчининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдан ҳам муҳимроқ иш бормикин?!.

**Раҳимжон ҲОМИДОВ,**
**журналист.**

